



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2018 йил 6 июль, № 137 (7095)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИГА ХОРИЖИЙ ФУҚАРОЛАРНИНГ КИРИШИ ТАРТИБИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ, ҳозирги вақтда республикага хорижий фуқароларнинг кириши учун рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартибини оптималлаштиришга, миллий иқтисодиётнинг муҳим тармоқларидан бирига кириш туризмни трансформация қилиш, маданий-тарихий меросни, табиий бойликлар ва анъаналарни, шунингдек, республиканинг туризм имкониятлари ва салоҳиятини кенг тарғиб қилишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Хорижий фуқароларнинг республикага кириши тартибини янада такомиллаштириш электрон кириш визасини расмийлаштириш ва бериш бўйича интерактив хизматларни, шунингдек, бир қатор хорижий мамлакатлар фуқаролари учун Ўзбекистон Республикасига визасиз қисқа муддатли кириш ва 16 ёшга тўлмаган хорижий фуқароларнинг Ўзбекистон Республикасига визасиз кириш тартибини жорий қилиш йўли билан хорижий фуқароларнинг кириш визасини олиш жараёنларини соддалаштириш заруратини тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5326-сонли Фармонининг 3-банди талаблари амалга оширилишини таъминлаш мақсадида:

1. Мазъумот учун қабул қилинсинки, 2018 йил 15 июлдан бошлаб:

хорижий фуқароларнинг кириш визасини расмийлаштириш учун Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари, консуллик идораларига мажбурий мурожаат этишларини бекор қилиш;

хорижий фуқаронинг кириш визасини олиш учун мурожаатини кўриб чиқиш муддатларини қисқартириш;

республикага кириш учун рухсат берувчи ҳужжатни расмийлаштиришда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш;

электрон кириш визаларининг ягона маълумотлар базасини шакллантириш орқали электрон кириш визасини расмийлаштиришнинг марказлаштирилган тизимини яратишни назарда тутувчи электрон кириш визаларини расмийлаштириш ва бериш тизими (кейинги ўринларда «E-VISA.UZ» тизими деб аталади) жорий этилади.

2. Ўзбекистон Республикасининг электрон визаси тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиклансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази, Ички ишлар вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати ва Давлат хавфсизлик хизматининг Чегара қўшинларининг асосланган ҳисоб-китоблари бўйича «E-VISA.UZ» тизими жорий қилинишини амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан зарур маблағлар ажратилиши таъминлансин.

(Давоми 2-бетда).



Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ТАШҚИ МЕХНАТ МИГРАЦИЯ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Таъкидлансинки, ташқи меҳнат миграцияси жараёнларини тартибга солиш, хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун фуқароларни ташкиллаштирилган тарзда етиб боришини таъминлаш учун қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларга қарамасдан, ноқонуний меҳнат миграциясининг катта оқими ҳалигача сақланиб қолмоқда.

Фуқароларни хорижда ташкиллаштирилган тарзда ишга жойлаштириш, шунингдек, меҳнат миграциясидан қайтиб келган шахсларнинг бандлигини таъминлаш кўрсаткичлари паст даражада қолиши давом этмоқда.

Ташқи меҳнат миграцияси тизимини янада такомиллаштириш, унинг ташкилий шакллари тубдан кенгайтириш, меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун республика ташқарисига кетаётган фуқароларнинг меҳнат ва ижтимоий ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, хориждан қайтиб келган меҳнат мигрантларини тадбиркорлик ва меҳнат фаолиятига жалб этишни кенгайтириш, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни изчил амалга ошириш мақсадида:

1. Белгилаб қўйилсинки, 2018 йил 1 сентябрдан Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтган юридик шахслар:

(Давоми 2-бетда).



ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА



ИШБИЛАРМОНЛИК МУҲИТИНИ ЯХШИЛАШГА ҲАМДА ИНСОН САЛОМАТЛИГИГА ОИД ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг 5 июль куни бўлиб ўтган навбатдаги мажлисида депутатлар мамлакатда тадбиркорлик фаолияти кафолатлари учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қиладиган ҳамда инсон саломатлигини таъминлашга қаратилган қўйи палатадаги фракциялари ҳамда Ўзбекистон экологик ҳаракати йигилишларида кўриб чиқилган ва қизгин муҳокамаларга сабаб бўлганди.

Ана шундай қизгин муҳокамаларнинг мантиқий давоми бўлган мажлисда депутатлар ўз ишларини фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини янада жонлантириш, уларнинг экин майдонларидан самарали фойдаланиш борасидаги масъулиятини оширади, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг бу борадаги жамоат назорати тизимини кучайтиришга олиб келади.

(Давоми 2-бетда).



МАВСУМ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида 4 июль куни бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида қишлоқ ҳўжалиги соҳасининг айни кунлардаги долзарб масаласи — ғўза парвариши билан боғлиқ чора-тадбирлар муҳокама қилиниб, 5 июлдан 5 сентябрга қадар “Ҳосилга-ҳосил қўшиш долзарб икки ойлиги” эълон қилинди.

Ҳосилга ҳосил қўшиш долзарб икки ойлиги

Бу бежиз эмас, албатта. Чунки бу йил об-ҳавонинг куруқ ва салқин келиши пахтачиликда жиддий муаммоларни келтириб чиқарпти: ғўза ривожини 10 — 15 кунга, баъзи жойларда 20 — 25 кунга кечикмоқда. Бундай шароитда қандай йўл тутмоқ керак? Ғўза парваришидаги қолоқликни бартараф этишда қайси усуллар кўпроқ самара бериши?

Мутасадди ва жойлардаги раҳбарлар жам бўлган видеоселекторда масаланинг шу каби нозик жиҳатларига эътибор қаратилиб, икки ой давомида амалга оширилиши зарур бўлган ишлар белгилаб олинди.

Ғўза маромида ривожланиши учун унинг ўсув даврида 500 — 600 миллиметр атмосфера ёғингарчилиги минимум ҳисобланади. Ёғингарчилик микдори бундан кам бўлган ҳудудларда эса ғўзани қўшимча суғориш зарурати туғилади. Масалани шу нуқтаи назардан ёндашсак, юртимизнинг пахта экиладиган ҳудудларида атмосфера ёғингарчилиги 100 — 200 миллиметрдан ошмайди. Бу эса ғўза кучли илдири тизимига эгалиги, қурғоқчиликка нисбатан чидамлилигига қарамасдан пахтачилик фақат суғориш суғоришга асосланганини кўрсатади. Яъни ниҳол униб чиққандан то шоналагунча экинни суғоришга сарфланадиган умумий сув

микдорининг 6 — 10 фоизини, шоналашдан то гуллагунча 12 — 16 фоизини, гуллашдан то етилгунча 55 — 65 фоизини ва етилиш даврида 16 — 20 фоизини сарфлаб, бу муҳим агротехника тадбирини расамиди билан ўтказиш талаб этилади.

Аммо жорий мавсумда сув тақчиллигини юмшатиш учун нима қилмоқ керак? Мўл ҳосил яратиш учун қандай чора-тадбирлар қўриш талаб қилинади?

Авалло, минтақамизга хос бўлган мазкур долзарб масалани ечиш учун сувсизликка чидамли навларни, мавжуд ресурсдан оқилона фойдаланиш схемаларини яратиш даркор. Шунингдек, чет эл олимлари томонидан тавсия этилган инновацияларни ўрганиб, мақбул жиҳатларини ўзлаштириш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Кейинги пайтда тез-тез такрорланаётган бу каби табиат инжиқликларини миришкор деҳқонларимиз илм-фан ва техника ютуқлари, илгор тажрибаларга таянган ҳолда енгиб келишмоқда. Бу йил ҳам шундай йўл тутиб, дала ишларини агротехника қоидалари асосида сифатли бажаришга интилишяпти. Масалан, суғориш пайтида туپроқ, об-ҳаво шароити ўсимлик ҳолатини кўрсатади. Яъни ниҳол униб чиққандан то шоналагунча экинни суғоришга сарфланадиган умумий сув

(Давоми 3-бетда).



Ҳамкорлик

ГИДРОЭНЕРГЕТИКА ТАРМОҒИДА ЙИРИК ЛОЙИҲА

табиий, экологик тоза ва барқарор электр энергияси ишлаб чиқариш имкониятини кенгайтиради



(Давоми 3-бетда).



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Илм-фан

Ўзбекистондаги радиотелескоплар ёрдамида Ердан ташқаридаги цивилизацияларни излаш имконияти пайдо бўладими?

Ўзбекистонда кейинги йилларда туризм соҳасига бўлган эътибор тубдан ўзгарди. Ҳатто илгари кириш мумкин бўлмаган қатор объектлар кенг омма учун очилди, улар сайёҳлик, изланишлар масканларига айлантириляпти.

Жиззах вилоятидаги Суффа платосида жойлашган ҳамда қурилиши

ўтган асрнинг 80-йилларида бошланиб, сўнгра тўхтаб қолган радиотелескоп комплекс (радиотелескоп — РТ-70) ана шулардан бири. Айни пайтда бўлажак улкан кашфиётларга бешик бўлиши қутилаётган мазкур ўзига хос ноёб иншоотга қайта ҳаёт бағишлаш бўйича ҳам қатор режалар белгилаб олинган. Бу

борада россиялик мутахассислар билан яқиндан ҳамкорлик қилинмоқда. Яқинда “Российская газета” наشري РФ Фанлар академияси президенти Александр Сергеев билан айнан шу мавзуда суҳбат уюштирди. Интервью давомида таниқли олим умумий қиймати 100 миллион АҚШ долларилик мазкур телескоп-

ни қуриб битказишга нима учун қарор қилинганга ҳақида тўхталиб ўтди. Ҳўш, РТ-70 ростдан ҳам юлдузларнинг “туғилиши”ни билишга ёрдам берадими? Ердан ташқари цивилизацияларни қаердан излаш мумкин?

(Давоми 4-бетда).



РФ ФА президенти Александр Сергеев.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р ИЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИГА ХОРИЖИЙ ФУҚАРОЛАРНИНГ КИРИШИ ТАРТИБИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

 (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

4. Белгилансинки, «E-VISA.UZ» тизими қатнашчиларининг идоравий тизимларини кейинчалик техник қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблаглари ҳисобига амалга оширилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази Ташқи ишлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда Ўзбекистон Республикасига кириш учун хорижий фуқароларга электрон визани расмийлаштириш ва бериш тизимини янада жорий қилиш, электрон визани ҳамда бир қатор хорижий мамлакатлар фуқаролари учун Ўзбекистон Республикасига қисқа муддатли визасиз кириш ва 16 ёшга тўлмаган хорижий фуқароларнинг Ўзбекистон Республикасига визасиз киришини расмийлаштириш жараёнида фойдаланиладиган идоравий тизимларни модернизация қилиш бўйича Ташкилий-техник чора-тадбирлар комплексини («Йўл харитаси») Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига икки ой муддатда тасдиқлашга киритсин.

6. Хорижий фуқароларнинг Ўзбекистон Республикасига кириши учун электрон виза расмийлаштирилганлиги ва берилганлиги учун консуллик йиғими миқдори 20 АҚШ долларга эбелгилансин, тушган маблаглар кейинчалик Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари, консуллик идораларини молиялаштиришга йўналтириш учун Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг валюта ҳисоб рақамига ўтказилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Молия вазирлигининг берилган электрон кириш визаларини идентификация қилиш мақсадида дастурий таъминотни модернизация қилиш бўйича ишларни молиялаштириш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат

хавфсизлик хизматининг Чегара қўшинларига беғараз молиявий ёрдам сифатида Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги бюджетдан ташқари Туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармасидан 300 миллион сўмни ажратиш тўғрисидаги тақлифи маъқуллансин.

8. «E-VISA.UZ» тизимини янада жорий қилиш доирасида олиб кириладиган, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган ускуналар, дастурий таъминот, эҳтиёт қисмлар ва материаллар белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатлар бўйича божхона тўловларидан 2021 йил 1 январгача (божхона йиғимларидан ташқари) озод қилинсин.

9. 2018 йил 15 июлдан бошлаб:

Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг Чегара қўшинлари бўлинмаларига пассажирлар тўғрисида олдиндан ўз вақтида маълумот берадиган ташувчининг учинчи мамлакатга авиабилети мавжуд бўлган, 2-иловага мувофиқ давлатларнинг Ўзбекистон Республикасидан транзит орқали ўтадиган фуқаролари учун — 5 суткадан ортиқ бўлмаган муддатда мамлакатнинг халқаро аэропортилари ўтказиш пунктлари орқали визасиз кириш, вақтинча бўлиш ва Ўзбекистон Республикасидан чиқиб кетиш;

хорижий паспорт ёки биометрик ҳаракатланиш (ўтиш) ҳужжати билан қонуний вакили кузатувида бўлган, 16 ёшга тўлмаган хорижий фуқаролар учун — кузатувчи шахснинг паспортдаги кириш визаси мuddати амал қилиши даврида, бироқ Ўзбекистон Республикасига кирган кундан бошлаб 90 кундан ортиқ бўлмаган даврда, ўтказиш пунктлари орқали визасиз кириш, вақтинча бўлиш ва Ўзбекистон Республикасидан чиқиб кетиш тартиби белгилансин.

Шу билан бирга, хорижий фуқаролар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган вақтларида 16 ёшга тўлганларида чиқиш визаси ички ишлар органлари миграция ва фуқаролиқни расмийлаштириш бўлинмалари томонидан белгиланган тартибда расмийлаштирилади.

10. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Қ А Р О Р И

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ТАШҚИ МЕХНАТ МИГРАЦИЯ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

 (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Куйидаги харажатларни молиялаштириш Жамғарманинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошириш даврида зўравонлик, мажбурий меҳнат ва камситишдан жабрланган, меҳнат ва бошқа ҳуқуқлари бузилган, оғир молиявий аҳволга тушган ва шахсини тасдиқловчи ҳужжатларсиз, тирикчилик учун маблағсиз қолган фуқароларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш, шунингдек, уларга моддий ёрдам кўрсатиш;

меҳнат миграциясида бўлган даврда жароҳатланиш, бахтсиз ҳодиса сабабли тиббий хизмат кўрсатиш талаб этилган фуқароларга, кўрсатилган тиббий хизматлар ҳақини меҳнат мигранти ҳисобидан тўлаш имконияти бўлмаган ҳолларда тўланган маблаглар ушбу фуқаролар томонидан кейинчалик қоплаб берилиши шарти билан, тиббий хизмат кўрсатиш;

ишга жойлашган давлатнинг тегишли муассасалари томонидан тасдиқланган ҳолларда республикадан ташқарида меҳнат миграциясида бўлган даврда вафот этган фуқароларнинг жасадларини, шунингдек, хориждаги меҳнат фаолияти вақтида меҳнат қобилиятини йўқотишга олиб келган шикастланиш ёки жиддий жароҳатланган фуқароларни олиб келиш;

меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун хорижга ташкиллаштирилган тарзда илгари юборилган ва ишга жойлашган мамлакатнинг қонун ҳужжатларини бузиш оқибатида ушбу мамлакат ҳудудидан чиқариб юборилган (депортация қилинган) фуқароларни, тўланган маблаглар ушбу фуқаролар ҳисобидан кейинчалик қоплаб берилиши шарти билан, шунингдек, келишилган меҳнат шартларири чет эллик иш берувчилар томонидан таъминлаб берилмаган фуқароларни қайтариш;

республика ҳудудларида хорижга меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун кетаётган фуқароларни кетишдан олдинги мослаштириш, касбий тайёрлаш, хорижий тилларга

ўқитиш ва билим даражаси юзасидан тест синовлари ўтказиш, фуқароларнинг касбий малакасини тасдиқлаш марказларини ташкил этиш ҳамда жиҳозлаш;

хорижда Агентликнинг ваколатхоналарини ташкил этиш ва жиҳозлаш;

норасмий меҳнат миграциясининг олдини олишга қаратилган, фуқароларни хорижда ишга ташкиллаштирилган тарзда жойлаштириш тизимини тақомиллаштириш масалалари бўйича ахборот-маърифий тадбирларни ўтказиш.

3. Куйидагилар Жамғарманинг даромадларини шакллантириш манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратиладиган 200 миллиард сўм миқдоридаги бир марталик беғараз молиявий ёрдам;

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан тузилладиган лицензия келишуви доирасида фуқароларни меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун хорижга юбoрyвчи ташкилотларнинг, захиранланаётган маблаг ишлатилган ҳолларда маблагларни тўлдириш, шунингдек, фуқароларни хорижда ишга жойлаштириш ҳуқуқини берувчи лицензия мuddати тугатилган ҳолларда маблагларни қайтариш шарти билан, 50 минг АҚШ доллари миқдоридаги захираланадиган маблаглари;

бўш турган маблагларни тижорат банкларининг депозитларига жойлаштиришдан олинадиган даромадлар; жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайрия маблаглари, шунингдек, қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

4. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги бир ой мuddатда куйидагиларни тасдиқлаш бўйича Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини хорижда ишга жойлаштириш фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низоми;

Хавфсизлик кенгаши котибининг биринчи ўринбосари М. И. Атаев, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. А. Абдухакимов ва Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати раиси ўринбосари А. А. Усманов:

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази ва Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси билан ҳамкорликда 2018 йил 1 октябргача бўлган мuddатда Ўзбекистон Республикасига ташриф буюрадиган хорижий фуқароларнинг турли тоифаларига қўшимча виза режимларини жорий қилиш бўйича тақлиф киритсин («Silk road» — Ипак йўли мамлакатлари бўйлаб саёҳат қилаётган туристлар учун бошқа мамлакатлар виза белгиларини тан олиш имконияти билан, «Vatandosh» — келиб чиқishi Ўзбекистон Республикасидан бўлганлар ва уларнинг оила аъзоларига — беш йиллик виза, «Golden visa» — йирик хорижий инвесторлар учун — ўн йиллик виза);

Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари билан ҳамкорликда йўловчилар тўғрисида олдиндан маълумот олиш тизимини ишга туширгач Ўзбекистон Республикасидан транзит орқали ўтадиган, вақтинча бўладиган ва Ўзбекистон Республикасидан чиқиб кетадиган хорижий фуқаролар учун ердаги ўтказиш пунктлари орқали визасиз кириш тартибини жорий қилишни таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ва Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикасидан транзит орқали ўтадиган, вақтинча бўладиган ва Ўзбекистон Республикасидан чиқиб кетадиган хорижий фуқароларнинг транзит орқали ўтадиган, вақтинча бўладиган ва Ўзбекистон Республикасидан чиқиб кетадиган мамлакатлар рўйхатини кенгайтириш бўйича тақлиф киритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 февралдаги «Кириш туризмни ривожлантириш чора-

Хорижга меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун кетаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг касбий малакаларини тасдиқлаш фаолияти билан шўғуullanувчи юридик шахсларни аккредитациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низоми;

Хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ташкиллаштирилган тарзда йиғиш тартиби тўғрисидаги низоми;

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси агентлигининг янгиланган низоми;

Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи шахсларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги низоми, жумладан, унда жамғарма маблагларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартибини назарда тутган ҳолда.

5. Белгилаб қўйилсинки, 2018 йил 1 августдан:

хусусий меҳнат шартномалари бўйича меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун хорижга кетаётган фуқароларга Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан белгиланадиган тартибда ихтиёрий рўйхатдан ўтиш таомилини жорий этган ҳолда, хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун рухсатнома бериш тартиби бекор қилинади;

хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи фуқаролар томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига энг кам иш ҳақининг тўрт ярим баравари миқдорида йиллик суурта тўловларини ихтиёрий равишда тўлаш тартиби жорий этилади, бунда тўловлар амалга оширилган даврлар белгиланган тартибда меҳнат стажига қўйилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги бир ой мuddатда минимал рентабелли янги иш ўринларини яратишга қаратилган

тадбирлари тўғрисида»-ги ПҚ-3509-сонли қарорининг 2-банди ўз қучини йўқотган деб ҳисоблансин.

12. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситалари мазкур қарор қоидаларининг кенг ёритилишини таъминласин.

13. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикасининг хориждаги муассасалари орқали 2018 йил 15 июлдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудига хорижий фуқароларнинг кириши учун электрон визаларни расмийлаштириш ва бериш тартиби, бир қатор хорижий мамлакатлар фуқароларига Ўзбекистон Республикасига қисқа мuddатли визасиз кириш ҳамда 16 ёшга тўлмаган хорижий фуқароларнинг Ўзбекистон Республикасига визасиз кириши тартиби қилинганлиги тўғрисида кенг хабардор бўлишини таъминласин.

14. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Ички ишлар вазирлиги ва Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисидаги тақлифларни икки ой мuddатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши котиби В. В. Махмудов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. А. Абдухакимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти	Ш. МИРЗИЁЁВ
	
Тошкент шаҳри, 2018 йил 4 июль	
Ўзбекистон Республикаси Президенти	Ш. МИРЗИЁЁВ
	
Тошкент шаҳри, 2018 йил 5 июль	

ИШБИЛАРМОНЛИК МУҲИТИНИ ЯХШИЛАШГА ҲАМДА ИНСОН САЛОМАТЛИГИГА ОИД ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

 (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шундан сўнг депутатлар тadbиркорлик субъектларининг мустакиллигини янада мустаҳкамлаш ва хусусий мулк дахлсизлигини таъминлаш мақсадида Жиноят ва Мазмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга ўзгартишлар киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда муҳокама қилишга ўтилар.

Қонун лойиҳаси билан хусусий мулк ҳуқуқини, тadbиркорлик субъектларининг фаолиятини текшириш ва молия-ўҳжалик фаолиятини тафтиш қилиш тартибини, лицензиялаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларни тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш, тadbиркорлик субъектларини ҳомийлик қилишга ундаш ва бошқа тadbирларга мажбурий жалб этиш ҳамда тadbиркорлик субъектларидан қонун ҳужжатларини бузган ҳолда ортиқча ҳужжатлар талаб қилиб олиш, умуман, қонуний тadbиркорлик фаолиятига аралашганлик учун жавобгарлиқни кучайтириш белгиланмоқда.

Қун тартибига биринчи ўқишда киритилган «Инсон

аъзолари, тўқималари ва (ёки) ҳужайраларини трансплантация қилиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси депутатларнинг ўта талабчанлиги, эҳтиёткорлик билан фикр билдиришлари баробарида, қизгин баҳс-мунозараларга сабаб бўлди.

Таъкидланганидек, қонун лойиҳаси билан инсон аъзолари ва тўқималарни трансплантациясининг шартлари, тартиби тиббиёт фанлари ва амалиётларининг замонавий ютуқлари асосида белгिलाб берилмоқда. Шунингдек, трансплантацияни амалга ошириш мақсад ва шартлари, трансплантация ва консервация объектилари, донорлар доираси, донор ва реципиентнинг ҳуқуқлари ҳамда донорлардан аъзо ва тўқималарни олиш шартлари аниқ кўрсатиб ўтилмоқда. Масала нафақат тиббиётга тааллуқли, балки инсон ҳаётига бевосита дахл қиладиган муолажалар билан боғлиқ бўлганлиги сабабли умуман дунё амалиётида мазкур масалага ёндашув бирдек эмас. Ушбу соҳадаги муносабатларнинг тартибга солувчи қонун лойиҳаси ишлаб чиқилаётганда барча фикрлар, хорижий мамлакатлар тажрибалари ўрганилди. Хусусан, инсон органларини кўчиришга қонунан рухсат

этилган АҚШ, Канада, Германия, Франция, Исроил, Хиндистон, Австралия, Россия, Беларусь ва бошқа давлатларнинг қонунчилиги таҳлил қилинди. Бугунги кунда дунёда ҳар йили 200 миңгача ортиқ орган кўчириб ўтказиш амалиётлари бажарилмоқда. Туркия ва Саудия Арабистонида ҳар йили 4 мингга яқин шундай амалиётлар ўтказилмоқда.

Депутатларнинг фикрига кўра, мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган ислохотларни ҳақон стандартларига мослаш, кўплаб инсонлар ҳаётини сақлаб қолиш имконини беради. Қизғин баҳслар якунида қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинди.

Сўнгра депутатлар тadbиркорлик фаолияти соҳасида лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини янада қисқартиришга ва соддалаштиришга, рухсат бериш ишларининг шаффофлигини таъминлашга ҳамда бизнес юритишда ортиқча бюрократик жараёнларни тубдан қисқартиришга, шунингдек, бизнес юритиш шарт-шароитларни яхшилашга қаратилган қонун лойиҳасини муҳокама қилдилар.

Мазкур қонун лойиҳаси билан тиббиёт ва фармацевтика фаолияти, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиши билан боғлиқ фаолият, кўчма радиотелефон (уяли) алоқа тармоқлари ва телерадиоэшиттириш тўлкинларини тарқатиш тармоқларидан фойдаланиш ва уларга хизмат кўрсатиш, шунингдек, нефть, газ ва газ конденсатини қазиб олиш, қайта ишлаш ва сотишни амалга ошириш ҳуқуқини берадиган лицензиялардан ташқари фаолиятнинг айрим турлари билан шўғуллиниш ҳуқуқини берадиган барча лицензияларнинг амал қилиш мuddати чекланмаган ҳолда берилиши кўзда тутилган.

Депутатларнинг таъкидлашича, мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши мамлакатимизда инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини янада яхшилашга ҳамда тadbиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва эркинликларини ишончли ҳимоялашни таъминлашга хизмат қилади.

АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИШЛАР ҲУКУМАТ СОАТИДА МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

 (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Мазкур ййғилишда диққат марказда бўлган ёшларнинг бандлиги, уларни меҳнат бозорида талаб қорлири бўлган мутахассислик ва бизнес кўникмаларига ўқитиш, иш билан таъминлаш чораларини кўриш депутатлик корпуси олдида ҳам турган долзарб вазифа эканлиги алоҳида таъкидлаб ўйилди.

Вазир ўз ахборотида қайд этганидек, жорий йилнинг январь — май ойларида республика бўйича 213 мингтага яқин иш ўринлари яратилди. Иктисодий тармоқларида янги ишлаб қиқариш қувватларини ишга тушириш ва улар фаолият кўламини кенгайтириш, аввал хусусийлаштирилган ва фаолиятида сусайиш кузатилган корхоналарни ривожлантириш учун «Йўл хариталари»ни ишга солиш, қишлоқ жойларда арзон уй-жойлар, кўп қаватли тураржойлар ва йўл-муҳандислик инфратузилма қурилиши, ижтимоий соҳа инфратузилмасини ривожлантириш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлиқни ривожлантириш ҳисобига янги иш ўринлари яратишда шундай кўрсаткичларга эришилди.

Вазир томонидан таъкидланганидек, шундай кўрсаткичларга эришилганлиги билан қаноатланш керак эмас. Чўнки бу борада фойдаланилмаган имкониятлар ҳали ҳам мавжуд. Фақат айрим мутасадди органлар бир оз сусткашликка

йўл қўймоқда. Хусусан, амалга оширилаётган ишлар билан биргаликда айрим маҳаллий ҳокимликлар томонидан янги иш ўринларини яратиш борасида ишлар етарли даражада ташкил этилмагани ва мавжуд имкониятлар тўлиқ сафарбар қилинмагани маълум. Жумладан, жорий йил 1-чораги учун доимий иш ўринларининг белгиланган прогност кўрсаткичлари Янгиобод, Зомин, Арнасой, Шовот, Бешарик, Зангиота, Учкўприк, Олтиарик ҳамда Хатирчи туманларида бажарилмаган.

Тақдим этилган ахборотда ташқи меҳнат миграцияси масалалари бўйича 2018 йилнинг ўтган даври мобайнида фуқароларнинг ташқи меҳнат миграциясини таъминлаш борасида тизимли ишлар амалга оширилгани алоҳида эътироф этилди. Жумладан, бу борадаги қонун ҳужжатларини тақомиллаштириш масалаларига эътибор қаратилган бўлиб, «Меҳнат миграцияси тўғрисида»ги ва «Рекрутинг фаолияти тўғрисида»ги қонун лойиҳалари ишлаб қиқилди. Айни пайтда Қонунчилик палатасида «Рекрутинг фаолияти тўғрисида»ги қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қўриб қиқилмоқда.

Таъкидлаб ўтилганидек, вазирлик томонидан аҳоли бандлигини таъминлаш ва унинг барқарор реал даромадларини ошириш борасида амалга оширилаётган ишлар танқидий таҳлил қилинмоқда ва бу бо-

рада қатор муаммоли масалалар аниқланиб, уларни ҳал этишга эътибор қаратилаяпти. Хусусан, меҳнат бозорининг ягона информация-таҳлилий тизимини яратиш, ишсизларни касбий ўқитиш тизимини тақомиллаштириш, ташқи миграция масалаларини қайта қўриб тақомиллаштириш чоралари қўрилаётир.

Муҳокамалар жараёнида фуқаролар, ходимларнинг қаноатланган меҳнат ҳуқуқларини ва меҳнат муҳофазасини таъминлаш, бирон-бир шаклдаги мажбурий меҳнатдан фойдаланиш ҳолларига йўл қўймаслик, айрим салбий ҳолатларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш бўйича қонунчиликни тақомиллаштириш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Тadbир давомида Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири депутатларнинг аҳоли бандлиги, фуқароларни иш билан таъминлаш ҳамда меҳнат бозорида ишчи қучига бўлган талабни ошириш юзасидан берган соаволларига жавоб қайтарди. Ййғилиш якунида мазкур соҳадаги ишлар юзасидан самарали парламент назоратини олиб боришга келишиб олинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Матбуот хизмати.

Хосилга ҳосил қўшиш долзарб икки ойлиги

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Хозирги шароитда обиҳаётни тежаш учун эгат узунлигига алоҳида эътибор бериш талаб этилади. Бу ишни тупроқ турига, ернинг нишаблигига ва ғўза қатор ораларига қараб мувофиқлаштириш лозим. Яъни сувни яхши ўтказадиган ўтлоқ ва енгил қумоқ тупроқли, ғўза қатор оралари 60 сантиметр бўлган далаларда эгатлар узунлиги 60 — 70 метрдан, сувни суст шимадиган оғир тупроқли ерларда 80 — 90 метр, қатор оралари 90 сантиметр бўлган пайкалларда эса тегишли равишда 80 — 90 метр ва 90 — 100 метрдан ошмаслиги, ушбу агротехника тадбирини, албатта, “шарбат” усулида ўтказиш керак. Ана шунда маҳаллий ўғит экинга қувват бериши билан бирга, сув буғланлишини камайтириб, тупроққа сингишини яхшилайди. Агар у тунда бажарилса, янада самарали бўлади. Бинобарин, ғўзага сув эмас, балки нам керак.

Фан ва амалиётда шу нарса исботланганки, тупроқ устки қатлами майда кесакли қилиб юм-

шатилса, ерда нам яхши сақланади. Бу суғоришлар оралиқ даврини 4-5 кунга узайтириш, вегетация вақтида эса ғўза ўсиши, ривожланиши ва ҳосил тўпланлишини бузмаган ҳолда, суғоришни бир мартага камайтириш имконини беради. Ахир сифатли култивация тўфайли намнинг буғланиши 25 — 35 фоиз камаяди-да!

Табийий савол туғилади: хорижлик фермерлар ҳам сув тақчиллигига дуч келишадими? Улар пахтачиликда қандай тежамкор технологияларни қўллашди?

Кўпчилик деҳқонларни қизиқтирадиган ушбу саволларга 14 та штаида пахта етиштириладиган АҚШ тажрибаси мисолида жавоб излаймиз. СанЖоакин водийсининг иклими, ҳавонинг намлик даражаси бизникига жуда ўхшаш. Маҳаллий фермерлар янги ҳосилга тайёргарликни куздан бошлашди. Яъни йиғим-терим туғанаидан сўнг даладаги ғўзапоя ер ҳайдаш давомидида майдаланадида, дискилар плуг билан икки марта ишлов берилади. Шундан кейин лазерли текислагичлар ёрдамида замин яна текисланади.

Фермерларнинг фикрича, агар ер кафтдек текис бўлмаса, ғўза бир текис унмайди, майдон бир хил суғорилмайди, демакки, бир маромда ўсмайди. Шунинг учун ер сатҳини текислаш энг муҳим омил саналади.

Ер тузилиши ва тупроқ сифатини ҳисобга олган ҳолда, суғоришнинг янги усулларини ишлаб чиқиш фермерларнинг доимий ташвишига айланган. Бу ерда ҳам экин, худди биздагидек, ғўза жўяклар орқали суғорилиди. Енгил тупроқли майдонларда томчилатиб ва ёмғирлатиб суғориш тизимлари жорий қилинган.

Очигини айтиш керак, жўяқ орқали суғоришда америкалик фермерлар юртимиз деҳқонларидан кўра, икки марта кам сув сарфлашади. Обиҳаёт 1,5-2 метр чуқурликдаги қувурлар орқали пахта даласига етказиб берилади. Эгатларга кўндаланг қўйилган енгил алюминий қувурлардаги ҳар бир метр ораликда жойлашган тешиklar орқали жўякларга озоддан сув оқизилади.

Яхши текисланганлиги ва тупроқ таркибининг майдаллиги ту-

файли майдон бир текис намланади. Бундай усул сув сарфини икки марта қисқартириш имконини беради. Қолаверса, солинган минерал тўғиларни ювиб кетмайди ва таркибиди химёвий дорилар мавжуд бўлган оқова сувларнинг йиғилиб қолишига йўл қўйилмайди.

АҚШ фермерлари яғна ва чеканка нималигини умуман билишмайди. Чунки чигит екишда муайян меъёр мавжуд. Чеканка ўтказилмаслигига сабаб шуки, ғўзалар муддатидан олдин ўсиб кетса “ПИКС”, чеккаса “ПРЕП” препаратлари пуркалади ва тегишли меъёр сақланиб қолинади.

Исроил, Испания ва Греция фермер хўжаликларида ҳам АҚШга ўхшаб бир гектар майдонда пахта етиштириш учун 4-5 минг куб метрдан кўп сув сарфланмайди. Испанияда сув далага АҚШга ўхшаб махсус қувурларда олиб келинса, Исроилда сифимлардан шлангалар орқали томчилатиб суғориш учун етказилади. Бу мамлакатларда сув лимит бўйича гектарига 4,5 минг куб метр микдориди

ажратилади. Агар фермер суғоришда бу меъёрдан кўп сув сарфласа, ортиқча ресурс ҳақини ўз ҳисобидан тўлайди.

Сирасини айтганда, илм-фан ютуқлари ва илғор тажрибалар жорий этиш мўл ҳосил етиштириш, улкан хирмон яратиш гаровидир. Унутмаслик керакки, ғўза келиб чиқиши ҳамда ирсиятига кўра, ўта серҳосил экин ҳисобланади. Вегетация давомидида камида 60 тадан 100 тагача ҳосил нишончалари шақлланади. Аммо агротехника тадбирлари ўз вақтида ўтказилмаслиги оқибатида унинг 80 — 85 фоизи тўқилиб кетади.

Президентимиз ташаббуси билан қишлоқ хўжалигида илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини кучайтириш, амалиётга илғор ва интенсив технологияларни қўллашга жиддий аҳамият қаратилаётганининг боиси шунда. Мамлакатимизда 5 июлдан 5 сентябрга қадар “Ҳосилга ҳосил қўшиш долзарб икки ойлиги” деб эълон қилиниши замирида ҳам ресурслардан оқилона фойдаланиб, пахтадан мўл ва сифатли ҳосил яратиб, эл-юрт фаровонлигини ошириш мақсад-муддоси муҳассамдир.

Ренат НАЗАРОВ,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган
қишлоқ хўжалиги ходими,
профессор.

Қоғозда эмас, амалда ишлаш вақти келди

Куни кеча Президентимиз раислигида ўтказилган видеоселектор йиғит-қизлар билан манзилли ва тизимли ишлаш, улар учун муносиб шароитлар яратиш, бандлигини таъминлаш, бу тизимдаги муаммоларни ҳал қилиш каби муҳим масалаларга бағишланди. Йиғилиш давомидида уюшмаган, яъни ишламайдиган, ўқимайдиган, тайин бир машғулотга эга бўлмаган ўғил-қизларга алоҳида эътибор қаратиш бўйича қатор долзарб вазифалар белгилаб берилди.

Муносабат

Дарҳақиқат, ёшлар билан ишлашда ҳамон камчиликлар мавжуд. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ўтган йили ана шу салбий жиҳатларни бартараф қилиш мақсадида ташкил топган эди. Лекин эътироф этиш керакки, ҳозирча бу борада сезиларли ютуқларга эришганимиз йўқ.

Айрим тадбирларимиз дабдабабозлик, ўзини “кўз-кўз” қилишга ўхшаб қолаётгани рост. Ёшлар ичига расмийтачилик юзасидан кириб борганимиз ҳақли эътирозларга сабаб бўляпти.

Агар масалага чуқур назар ташласак, бугунги кунда ёшлар ўртасидаги муаммолар, жумладан, жиноятчиликнинг илдиизи аксар ҳолларда ишсизликка бориб тақалмоқда. Жойларда ёшларнинг бандлигини таъминлаш суръати паст. 1700 дан зиёд меҳнат ярмаркалари ўтказилганига қарамай, уларда иштирок этган ёшларнинг атиги 5 фоизигина ишга жойлаштирилган, сўнгги бир йилда 509 минг нафар ёшлар узок мuddатга чет элларга чиқиб кетгани ишга масъулиятсиз ёндашувдан далолат беради.

Айни вақтда ёшларни бизнес билан шуғулланишга фаол жалб қилиш учун шароит яратиш, уларни меҳнат бозорига талаб юқори бўлган мутахассислик ва бизнес юритиш қўнжикларига ўқитиш бўйича Тошкент вилоятининг Қуйи Чирчиқ тумани ва Тошкент шаҳрининг Чилонзор туманида янги тизим синовдан ўтказилмоқда. Бунинг учун мутасадди идоралар вакилларида иборат ишчи гуруҳ тузилиб, 14 ёшдан 509 ёшгача бўлган ёшлар туғирисиди батасфил маълумотларни ўзиди акс эттирган туман

паспортлари ишлаб чиқилди. Яна бир муҳим вазифа — йиғит-қизларни тадбиркорликка жалб этиш, бу йўналишда уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масаласидир. Шу мақсадда “Ёшлар — келажагимиз” Давлат дастури тасдиқланди ҳамда уни барча туман ва шаҳарларда амалга ошириш бошланди. Дастур ижроси учун Ёшлар иттифоқи ҳузурида “Ёшлар — келажагимиз” жамғармаси ҳамда унинг туман ва шаҳар филиаллари ташкил этилди. Бу тузилма маблагларидан ёшларнинг бизнес лойиҳалари учун йиллик 7 фоиз ставка билан имтиёзли кредит берилди.

Галпнинг қисқаси, энди ёшлар масаласи билан қоғозда эмас, амалда шуғулланмаса бўлмайди. Мазкур масалада куч ва имкониятларни бирлаштириш зарур. Биз, ёшлар ташкилоти вакиллари маҳалларга бориб, сектор раҳбарлари, худуд оқсоқоллари билан бирга вояга етмаганлар, ўқирлар, ёш оилаларнинг муаммоларини чуқурроқ ўрганишимиз зарур. Бу муаммоларни бартараф этиш бўйича “Йўл ҳариталари” белгиланиб, изчил амалга оширилишини таъминлашимиз муҳим. Шу билан бирга, ёшлар улар ким бўлишдан, хайрихоҳ ёки хайрихоҳ эмаслигиндан қатъи назар, берган ҳар бир конструктив таклифларни кўриб чиқишга, биргаликда амалиётга татбиқ этишга тайёрмиз.

Одмилжон ТОЖИЕВ,
Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари.

Маҳаллий Кенгашларда

...У онасидан эрта ажралди, отасини кўрмаган. Биргина қари бувиси бор, аммо унинг ҳам бола билан иши йўқ. Небараси ҳаётни оила бағрида эмас, кўчада таниди. Туғилганлиги ҳақидаги гувоҳномаси ҳам йўқ. Шу боис боғчага ҳам, мактабга ҳам бормаган. Бола кўчада дайдиб, оч қолган кунлари ҳам бўлди, баъзан истироҳат боғидаги ўриндиқларда тунаб қолди. Пул илинжида кўп ишларга қўл урди, безори болаларга қўшилиб, ўғрилиқ ҳам қилди. Токи яхши инсонлар гўдакнинг ҳолидан жиддий хабар олмагунига қадар унинг ҳаёти шу тарзда кечди.

Тўққиз ёшли бола мактабга борадиган бўлди

2009 йилда туғилган Радмир Минченко бувиси Неля Минченко билан бирга Чилонзор тумани Наҳқошлик маҳалласида истикомат қилган. Халқ депутатлари Чилонзор тумани Кенгаши депутати Мадаминжан Назиров бу оиладаги аҳвол билан қизиқмагунича, Радмирнинг тақдири жуда аянчли эди. Депутат эндигина тўққиз ёшга тўлган боланинг оиласидаги аҳвол билан яқиндан танишиб, масалага жиддий ёндашди. Оқ-қорани, яхши-ёмонни унча фарқолмай келаётган болани тўғри йўлга бошлади.

— Радмирнинг ҳужжатларини тайёрлаш, унинг туғилганлиги ҳақидаги гувоҳномасини қайтадан расмийлаштириш осон бўлмади, — дейди М. Назиров. — Бир неча бор уйига бордим, бувиси билан суҳбатда бўлдим. У ўз тенгдошларидан анча фарқ қилади. Ҳаёт уни эрта ўлғайтирган. Унинг ҳужжатларини тиклаш учун у туғилган 7-шаҳар туғуруқхонасига мурожаат қилдик. Архив ҳужжатларидан изладик. Боланинг онаси паспортини йўқотгани ишмизини қийинлаштирди. Аммо илоҳи борича ҳужжатларни тикладик. Радмир Чилонзор туманидаги 39-оилавий поликлиникада тиббий текширувлардан ўтказилди. Васийлик кенгашининг қарори билан у бувисининг қарамоғидан олинди. Вақтинчалик Юнусобод туманидаги 22-Меҳрибонлик уйига жойлаштирилди. Боланинг бегонаси бўлмайди. Радмирнинг жамиятимизга керакли фарзанд бўлиб вояга етиши учун қўлимиздан келганча биргаликда ҳаракат қиламиз.

Радмир билан суҳбатлашганимизда, унинг кўзларидаги қувонч эътиборимизни тортди. У меҳрибон инсонлар бағрида эканлигидан, унга ғамхўрлик кўрсатилаётганидан жуда хурсанд. Тенгдош ўртоқлари, хатто, ўзининг ётади-ган жойи, шахсий соғичи ва тиш чўтқаси борлигини, икки ойдан сўнг мактабга чиқишини интизорлик билан кутаётганини тинмай гапирди. Кўзларимизга беихтиёр ёш қўйилади. Биз учун шунчаки оддий бўлиб туюлган нарсалар жажжи болакайни шу қадар бахтли қилиши мумкинлиги ҳайратимизни оширади.

Мана шундай эзгу саъй-ҳаракатлар маҳаллий Кенгашлар депутатлари томонидан амалга оширилаётгани эътиборга молик. Ёш депутат Мадаминжан Назировнинг иш бошлаганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Унинг бу каби ташаббуслари бисёр. Худуддаги иккита маҳалла, 31 та кўп қаватли уйларда истикомат қилаётган аҳоли билан мунтазам учрашувлар ташкил этиб келаётганидан одамлар мамнун. Чунки ушбу мулоқотларда фуқароларни ўйлантираётган, эътирозларига сабаб бўлаётган масалалар — коммунал хизматлар, кам таъминланган оилаларни ижтимоий муҳофаза қилиш борасида йўл қўйилаётган айрим камчиликлар ўртага ташланаяпти. Булар туман Кенгаши сессияларида ҳам қўрилмоқда, амалий ечимлар таклиф этилмоқда.

— Туман Кенгашининг охириги сессиясида аҳолининг ҳуқуқий ма-

даниятини ошириш мақсадида ҳар бир маҳаллада малакали юрист хизматини ташкил этиш масаласини кўриб чиқдик, — дейди депутат. — Қилинган мурожаатларни умумлаштириб, таҳлил қилганимизда, уларнинг асосий сабаби аҳолининг ўз ҳақ-ҳуқуқи, қабул қилинаётган муҳим ҳужжатлар мазмун-моҳиятидан беҳабар экани ойдинлашмоқда. Шунини инобатга олиб, ҳар бир маҳаллада тезкор, зарур ҳуқуқий маслаҳат бериш учун юристлар хизматини таклиф этиш ташаббусини илгари суряймиз.

— Очиғини айтиш керак, бугун маҳаллий Кенгашлар депутатларининг фаолияти сезиларли жонланганини кузатиш мумкин, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Полянте Свешников. — Муҳими, улар Тошкент шаҳрида мавжуд муаммоларни ҳал қилишда фаол иштирок этиб, ёрдамга муҳтож фуқароларга амалий қўмак қўрсата оляпти. Бу давлатимиз раҳбарининг пойтахт туманларида маҳаллий Кенгашлар фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги ташаббуси қанчалик муҳим ва ўз вақтида қабул қилинган қарор эканини намойён этади. Худуд аҳолиси билан яқиндан мулоқот жараёнида Радмирга ўхшаган тақдирларга амалий ёрдам кўрсатилляпти. Инсон омили устуворлик қилмоқда.

— Туман Кенгашининг охириги сессиясида аҳолининг ҳуқуқий ма-

Дарҳақиқат, жамиятнинг кичик бир аъзоси — Радмир энди ўз давлатининг қарамоғида улғаяди. Ўзи ишонган дўстлари бўлади, мактабда ўқийди, илм ўрганади. Орзулар қилади, дахлдорлик туйғусини ҳис қилади. Бу амалга оширилаётган эзгу саъй-ҳаракатлар ҳар бир инсон тақдири эътиборда эканини тасдиқлайди. Бунинг учун эса ён-атрофимизга шунчаки нигоҳ ташлаб қўйишимиз зарурлигини унутмасак бас.

Мунисхон КАРИМОВА.



Динора ЧИРКОВА олган сурат.

ГИДРОЭНЕРГЕТИКА ТАРМОҒИДА ЙИРИК ЛОЙИҲА

табiiй, экологик тоза ва барқарор электр энергияси ишлаб чиқариш имкониятини кенгайтиради

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўзбекистон — энергетика ресурсларига бой мамлакат. Боиси, унинг биргина гидроэнергетика жабҳасида ўзлаштирилиши мумкин бўлган ресурслари йилга 27,4 миллиард кВт/соат электр энергияси ишлаб чиқариш имконини беради. Бироқ хозирги пайтда мавжуд салоҳиятнинг атиги 23,7 фоизи ўзлаштирилган ҳолос. Негиз?

Мутахассисларнинг фикрича, шу пайтга қадар соҳада, асосан, битта йўналиш билан чегараланиб, гидроэнергетикани ривожлантириш, янги қувватларни ишга тушириш, мавжудларни фаолиятини эса такомиллаштириш эътибордан четда қолган. Вақолонки, юртимизда энергиянинг қайта тикланувчи манбаларидан фойдаланиш истиқболи нихоятда юқори.

Президентимиз ташаббуси билан ўтган йили “Ўзбекгидроэнерго” акциядорлик жамияти ташкил этилиши тарқоқ бўлиб қолган соҳа корхоналарини бирлаштириш, экологик тоза ва арзон электр энергияси ишлаб чиқаришни кўпайтириш сари ташланган муҳим қадам бўлди. Сабаби, илгари республикадаги 36 та ГЭСнинг 28 таси “Ўзбекэнерго” акциядорлик жамияти, қолгани эса “Ўзсувэнерго” бирлашмаси таркибиди эди.

Ҳўш, бугунги кунда соҳада техник бошқаришнинг зарурий ахлтилиги тўлиқ таъминланган экан, бунинг самараси амалда қачон сезилади? Ишлаб чиқариш қувватлари қанчага ошади?

“Ўзбекгидроэнерго” АЖ Инвестициявий лойиҳаларни мониторинг қилиш бўлими бошлиғи Даврон Мансуровнинг айтишича, айни пайтда ГЭСларнинг барчаси ҳам тўлиқ қувват билан ишлаётгани йўқ. Чунки уларнинг аксарияти бундан қирқ — саксон йил муқаддам ишга туширилган. Бу мазкур иншоотлар ўзининг техник ресурсларини деярли ўтаб бўлган, асбоб-ускуналар ва агрегатлар модернизациялашга муҳтож, дегандир. Шундай пайтда 2017 — 2021 йилларда гидроэнергетикани янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури қабул қилинган мазкур орғикли масалани ечишда айни мuddао бўлмоқда. Унга кўра, беш йил ичида 42 та янги ГЭС қурилиш ҳамда 32 та мавжуд ГЭСни модернизация қилиш кўзда тутилган. Дастур ижроси доирасида ўтган йили июль-август ойларида “Тябўғиз” сув омбори қошида, Катта Фарғона каналида, Охангарон ҳамда Тўпаланг дарёларида кичик ГЭСлар қурилиши бошлангани эътиборга молидир.

Таъкидлаш керакки, “Қуйи-Бўзсув ГЭСлар каскади”, “Тошкент ГЭСлар каскади” ҳамда “Шахрихон ГЭСлар каскади” унитар корхоналарни модернизациялаш энг йирик лойиҳалардан биридир. Унинг умумий қиймати 74 миллион АҚШ долларидаан ортиқ бўлиб, шундан қарийб 63 миллион доллар Хитой “Эксимбанк” томонидан молиялаштирилди. Бунинг ҳисобига гидротурбиналар ва эскирган агрегатлар замонавийсига алмаштирилади, илғор ускуна ва жиҳозлар билан таъминланади. Натияжада иш самарадорлиги кескин ошади. Бу ГЭСлар фаолиятида янги давр бошланаяпти, дегандир.

Дарҳақиқат, “Тошкент ГЭСлар каскади” унитар корхонаси тизим-

даги тўғич қувватлардан бири ҳисобланади. У 1944 йилда ташкил этилган бўлиб, таркибидида тўртта — “Бўзсув”, “Шайхонтоҳур”, “Бўрижар”, “Октепа” гидроэлектр станцияларини бирлаштирган. Афсуски, узок йиллар давомидида модернизациялаш ишлари ўлда-жўлда қолиб кетиши оқибатида электр ишлаб чиқариш ҳажми кескин камайган. Хорижлик мутахассисларнинг ваъда беришларича, ҳадемай, станциялар лойиҳавий қувватига етади. Биргина “Тошкент ГЭСлар каскади”нинг қуввати 16,6 МВтга етказилиб, йилга ўртача 95 миллион кВт/соат электр энергияси ишлаб чиқарила бошланади.

— Бизнинг “PowerChina International Group Limited” компаниямиз гидроэнергетика жабҳасида нафақат Хитой, балки бутун дунёда етакчи ҳисобланади, — дейди мазкур компания вице-президенти Сион Лисинь. — Бугунги кунга қадар жаҳоннинг 100 дан ортиқ давлатларида ГЭСлар барпо этиш ва модернизациялаш лойиҳаларида фаол иштирок этган. Бошқача айтганда, мавжуд ГЭСларнинг тенг ярми бизнинг мутахассисларимиз, муҳандис-қурувчиларимиз томонидан қурилган, десам, хато бўлмайди. Аммо Ўзбекистонда илк лойиҳамиз ижросига киришяпмиз. Учала ГЭСни ҳам белгиланган мuddатда, яъни икки йил ичида модернизация қилиб, 2020 йилнинг биринчи ярмида тўлиқ фойдаланишга топширишни режлаштирганмиз.

2017 — 2021 йилларда гидроэнергетикани янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури доирасида 42 та янги ГЭС қурилиши ҳамда мавжуд 32 та ГЭСни модернизация қилиш кўзда тутилган. Айни пайтда “Тябўғиз” сув омбори қошида, Катта Фарғона каналида, Охангарон ҳамда Тўпаланг дарёларида кичик ГЭСлар қурилиши авжида.

Юртингиз гидроэнергетика тармоғидаги мазкур лойиҳани муваффақиятли яқунлагач, иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида ҳамкорлик қилиш, йирик инвестициявий лойиҳаларни амалга оширишни ният қилганмиз. Чунки компаниямиз энергетиканинг иссиқлик ва мукобил манбаларини ўзлаштириш йўналишлари, шунингдек, темир йўл қурилишида ҳам бой тажрибага эга.

Лойиҳа доирасидаги ташкилий ва тайёргарлик ишлари тўлиқ яқунлаиб, иншоотларни модернизациялаш ҳамда реконструкция қилиш ишлари бошланди. Шу муносабат билан ташкил этилган дастурда сўзга чиққанлар таъкидлагандек, мамлакатимизда экологик тоза ва қайта тикланувчи энергия манбаи бўлган гидроэнергетика ресурсларидан фойдаланишни ҳар томонлама кенгайтиришга замонавий тараққиёт стратегиясининг устувор йўналиши сифатида қаралмоқда. Зеро, ГЭСлар органик ёқилғи захираларини тежаш, атроф-муҳитга зарарли чиқиндилар чиқарилишини камайтириш, энг муҳими, аҳоли ва иқтисодиёт тармоқларига барқарор электр энергиясини етказиб бериш имконини яратади.

Саид РАҲМОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Соғлом оила — жамият ривожланишининг асоси



Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустаҳкамлаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори шу кунга қадар тўпланиб қолган масалаларни бартараф этишга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Қуйида келтирилган таҳлиллар эса, ушбу ҳужжатнинг нима учун татбиқ қилинаётгани, унинг моҳияти, мақсад ҳамда

Оила — жамиятнинг ажралмас бўлагиди. Шу боис юртимизда ушбу институтни ҳар томонлама муҳофаза қилиш, мустаҳкамлаш, қўллаб-қувватлаш ва нуфузини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Лекин мазкур соҳада давлат сиёсатини самарали олиб боришга ғов бўлаётган бир қатор муаммо ҳамда камчиликлар борки, булар бу борадаги ислохотларни тўлиқ рўёбга чиқариш ва белгиланган мақсадларга эришишга тўсқинлик қиялпти.

вазифаларини яхшироқ англаш имконини беради.

Ўрганишлар давомидида шу нарса аниқ бўлдики, мамлакатимизда ўткир муаммоли оилалар сонини Ички ишлар вазирлиги 12 932 та, жойлардаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, яъни маҳаллалар эса 8 264 та, дея маълумот бермоқда. Кишини ўйлантирадиган жиҳати шундаки, оилалар ҳақидаги

рақамлар бири-биридан шунчалик фарқ қилса, унинг асосий қисми қайерда қолади? Таассуфки, оила институти билан боғлиқ муаммо, чалкашлик фақат статистикада эмас. Гап унинг ўз вақтида ечимини топишу илдиз отишига йўл қўймайди.

Ўтган йил якунларига кўра, оилаларнинг ажрალიш кўрсаткичи ҳам, афсуски, ортган. Яъни 31,9 мингтани ташкил этиб, ол-

динги йилдагига таққосланда 32,9 фоиз кўп.

— Аёлни оиласиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бу эл билан тирноқ, деган гап, — дейди Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Танзила Нарбаева. — Хотин-қизлар бўйича бир қатор муаммолар йиғилиб қолгани каби оила масалаларида ҳам камчиликлар кўп. Очиғи, ҳаётда қийналган, иқтимоий ҳимояга муҳтож аёллар билан ҳеч ким шуғулланмаган. Бугун мана шундай аёлларимиз 60 минг нафарни ташкил этар экан. Қарорнинг қабул қилиниши ва у билан тасдиқланган ҳужжатлар ҳаётий эканлиги, бугунги кун зарурати эканини алоҳида таъкидлашни истардим. Айтиш жоизки, мазкур қарор

билан Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустаҳкамлаш концепцияси ҳамда уни амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси” ҳам тасдиқланди. Уларда Оила кодекси, қонунлар ва уларга киритилмадиган ўзгартишлар моҳиятидан тортиб, оилалар ҳақида маълумотларнинг идоралараро ягона ахборот базасини ташкил қилишга, интернет орқали кириб келадиган турли таҳдидларга қарши курашиш масалаларини, эрта ҳамда қариндошлар ўртасидаги низоҳларнинг олдини олиш механизмлари, қисқача айтганда, икки йил давомидида амалга ошириладиган ишлар аниқ мuddатлари билан кўрсатиб берилган. Ба-жарилиши кўзда тутилган барча тадбирнинг сифатли ҳамда тўлиқ ижроси учун тегишли ва-

зирликлар, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар раҳбарлари шахсан жавобгар эканлиги белгилаб қўйилди.

— Бу борада турли йўналишлар, хусусан, демография, психология, оила ҳуқуқи, оила селоматлиги бўйича ишлар қилинган, аммо бу талаб даражасида эмас, — дейди Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази директори Дилором Тوشмухамедова. — Улар яғна бир тизимга солинмаган, илмий тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши ҳам суст. Оилалар билан ишлайдиган ташкилотлар қўлғимизга қарамай, улар фаолиятини мувофиқлаштирадиган яғна тизим йўқ эди. Эндилик-

да ишлаб чиқилган Концепция ҳамда уни амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси” билан ишлар мувофи

Ўзбекистондаги радиотелескоплар ёрдамида Ердан ташқаридаги цивилизацияларни излаш имконияти пайдо бўладими?



(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Мазкур саволларга қуйида ҳаво-ла этилаётган суҳбат давомиди атрофлича жавоб олишингиз мумкин.

— **“Суффа” радиотелескопи лойиҳаси Россия ва Ўзбекистон раҳбариятининг жиддий эътиборида турибди, у бир неча бор юқори даража-ларда муҳокама қилинди. Ҳўш, унинг ноёблиги нимада? Ахир унинг тарихи узун: орадан 30 йилдан ошди вақт ўтди.**

— Сиз ҳақсиз, Ўзбекистоннинг Суффа платосида РТ-70 радиотелескопи лойиҳаси 80-йиллар ўрталарида бошланган эди. Ушунда у дунёда мутлақ етакчи сифатида намоён бўлган.

Унда тўлқин узунлигининг миллиметрлик диапазонидида нурланиш-ни қабул қила оладиган 70 метрлик диаметр-га эга параболик антенна бор. У узоқ космосдан ноёб маълумотларни етказиб беради, унинг ёрдамида коинотнинг кўп-лаб сир-ларини очиш мумкин.

Уша йилларда космос ҳақидаги

билимлар соҳасида жиддий ўсиш-га эришиш имкони бор эди. Айтганча, Ўзбекистоннинг мазкур ҳудуди узоқ давом этган тадқиқот-лардан сўнг танланган.

Ер усти телескопларида самони ўрганиш учун атмосфера шароити кам ҳалақит берадиган ва йил да-вомиди очик об-ҳаволи кунлар ило-жи борица кўпроқ бўладиган қулай астроклим зарур. Шунинг учун ҳам замонавий телескоплар тоғлар те-пасида барпо этилади.

Суффа платоси ҳам денгиз сат-ҳидан 2400 метр баландликда жой-лашган ва астроклими мос ке-лада. Қурилиш ишлари бошланган, бироқ 1991 йилда тўхтатилган. Ҳозир гап телескопни охиригача қуриш ва ниҳоят фойдаланишга топишириш ҳақида кетмоқда.

— **Бироқ шу ўтган ўнлаб йиллар давомидида илм-фан анча илгариллаб кетди. Масалан, Хитой ликопчасининг диаметри 100 метрга тенг бўлган миллиметрик телескопни бунёд этмоқда. “Суффа” антеннасиники эса,**

ва олий таълим вазирлиги вакил-ларидан иборат делегация Ўзе-кистонга ташриф буюрди.

Таъкидлашни истардимки, объект яхши сақланган, уни бунёд қилиш-ни давом эттириш мумкин. Бунинг учун қандай далиллар бор? Шулар-дан бир нечасини санаб ўтаман.

Айни пайтда Россияда милли-метрлик радиотелескоп умуман йўқ, Суффадаги эса муҳим астрономик қурилмадир. Усиз жаҳон астро-номияси элитасига чиқиб бўлмай-ди, айтганча, бу соҳадаги кашфи-ётларга Нобель мукофотларини бе-риш бизсиз ўтаётди.

Агар олимларимиз шундай во-ситага эга бўлса, кўп нарса ўза-ради. Қолаверса, у шу каби аппа-ратлар оиласи таркибига уни се-зиларли тўлдирган ҳолда қўши-лади. Жаҳон илм-фани эса бундан манфаатдор.

Учта телескоп ноёб мажмуани ташкил этади ва бунақаси дунёнинг ҳеч бир ерида йўқ.

Мана, сиз Хитой телескопи “Суффа”дан устун, деб айтмасиз. Тўғри, ўлчами бўйича ўзиб кетиши

мумкин, бироқ қурилманинг сезгир-лигини рекорд даражага еткази-оламиз ва бу унинг асосий хусу-си-ятларидан бири ҳисобланади.

Бизда ушбу муаммони ҳал этиш-га қодир бўлган миллиметрлик диа-пазонларнинг ноёб приёмиги бор. Рекорд сезгирлик айнан мана шулардир.

Бундан ташқари, мазкур ускуна қабул қилиш хусусиятларини оши-риш учун антеннанинг самарадор ўлчамини кўп маротаба ошириши-миз мумкин. Гап шундаки, Ўзбеки-стонда коиноти кузатиш учун қатор оптик қурилмалар ўрнатилган Май-данак платоси жойлашган. Бу ерда ҳам диаметри 10 метрлик унча кат-та бўлмаган радиотелескоп ўрна-тиш мумкин. Улар Суффа билан синхрон ишлаган ҳолда 10 метр ҳам эмас, 70 метр ҳам эмас, балки икки аппарат ўртасидаги, яъни ўнлаб ки-лометрлик масофани ҳосил қила-ди. Бу эса ушбу тизимнинг қабул қилиш хусусиятини бир неча бора-бар кўпайтириш имконини беради.

— **Россияда худди шу диа-пазонда ишлайдиган янги “Миллиметрон” космик об-серваторияси пайдо бўлиши лозим. Унда антенналар ўлча-ми жуда улкан бўлиб кетар экан-да?**

— Ушбу расадхона 2020 йилда иш бошлаши керак эди, бироқ мо-лиявий сабаблар туфайли бу иш 2025 йилга қолдирилди. Ердан миллион километрдан зиёд узоқ-ликда бўладиган мазкур телескоп “Суффа” ва “Майданак” билан бир-га дунёда муқобили йўқ бекиёс комплексга айланади.

— **Бундай уқлик қандай янги кашфиётларга йўл очи-ши мумкин?**

— Масалан, биз газ, чанг-тўзон-ли туманликларда юлдузлар қандай туғилаётгани, юлдузлараро газ йи-гилиши орқали галактика ядроси

квазарлари (коинотнинг узоқ жой-даги кучли радионурланиш манба-лари-тах,ни кўришимиз, водород-нинг дастлабки рекомбинацияси даврида пайдо бўлиб, коинотга тар-калган иссиқлик (космик юқори частотали) нурланишининг ўзига хос жиҳатларини тадқиқ этишимиз, ҳатто, Ердан ташқаридаги цивили-зацияларни излашимиз мумкин.

Таъкидлашни истардимки, бу халқаро лойиҳа бўлади. Телескоп-ни Россия ва Ўзбекистон барпо этади, кейин ундан фойдаланишга бошқа мамлакатлар астрономлари ҳам жалб қилинади.

“Суффа” радиотелескопи фой-дасига ишлайдиган яна бир жиҳат-ни айтиб ўтмоқчиман. У нафақат узоқ космосни ўрганиш бўйича ало-ҳида фундаменталь, балки амалий, масалан, яқин самони назорат қилиш бўйича масалаларни еча олади. Бугунги кунда бу, айниқса, долзарб бўлиб борапти.

— **Бугунги кунда телескоп қай даражада тайёр? Қури-лишни битказиш қанчага ту-шади?**

— Умуман, қурилиш бўйича те-лескоп асоси тайёрлиги 50 фоиз-дан зиёд, дея баҳоланяпти. Пара-болик кўзгунинг ўзини, уни созлаш ва ҳароратларнинг фарқига мос-лаштиш тизимини ўрнатиш лозим.

Ҳисоб-китобларга кўра, қури-лишни якунлаш учун қарийб 100 миллион доллар зарур. Рос-сия ва Ўзбекистон яқин вақт ичида лойиҳани амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси”ни тайёрлаши керак. Зеро, у шу йил куз фаслида икки давлат юқори раҳбарияти даража-сида тасдиқланиши кўзда тутил-моқда. Мутахассисларнинг фикри-ча, объектни амалда ишга туши-риш учун беш йил вақт кетади.

С. МАХСУМОВ
тайёрлади.

Ҳосан ПАЙДОЕВ олган сурат.

Таътил

Андижон туманидаги “Боғшамол” болалар дам олиш масканида “Ёзни камалак билан!” деб номланган тадбир ўтказилди. Спорт беллашувлари, куй ва қўшиқлар болажонлар билан бир қаторда, ота-оналарга ҳам олам-олам завқ бағишлади.



«Ёзни камалак билан!»

— Энг кўп китоб ўқиган, яхши қўшиқлар икром этган, спорт беллашувларида ўз маҳоратини намойиш қила олган тенгдошларим голиб бўлишди, — дейди тадбир иштирокчиси Гулбаҳор Саидова. — Уларга ҳавасим келди, бу ерда дам олаёт-ганимдан жуда мамнунман.

Бу йилги мавсумда ви-лоятнинг шаҳар четида

жойлашган 14 та, умумтаъ-лим мактаблари қошидаги 43 та болалар оромгоҳида 22 минг 450 нафар бола дам олади. Уларнинг таъ-тил пайти кўнгилли ва маз-мунли ўтиши учун махсус дастур ишлаб чиқилган бўлиб, ҳар бир боланинг ганимдан жуда мамнунман. Бу йилги мавсумда ви-лоятнинг шаҳар четида

Чимён садоси



Бўстонлик туманидаги “Чимён оромгоҳи” соғломлаштириш марка-зида “Чимён садоси — 2018” халқаро экологик туристик фестивали ташкиллаштирилди.

Мазкур тадбир доирасида ўтказилган акция Чимён ҳу-дудини маиший чиқиндилардан тазалашга қаратилган бўлса, табиати асраш, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ишлари болалар ора-сидан саралаб тузилган Экоҳаракат вакиллари томонидан меҳмонлар ва дам олувчиларга тушунтирилди. Бундан таш-қари, улар юзлаб меҳмон ва саёхатчиларга маиший чиқин-диларни йиғиш учун махсус халтачалар тарқатишди.

Тўпланган чиқиндилар Бўстонлик тумани “Тоза ҳудуд” ДУКнинг махсус транспорт воситаларида белгиланган жой-ларга олиб кетилди.

Унутилмас таассуротлар фасли

Қораўзақ туманидаги “Дўстлик” кундузги болалар оромгоҳида тўрт навбатда 320 нафар бола дам олиши мўлжалланган.

Айни пайтда бу ерда 80 нафар ўғил-қиз хордиқ чиқармоқда. Оромгоҳда туман ички ишлар бўлими ходимлари иштирокида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ва ёнғинга қарши курашиш бўйича давра суҳбати ўтказилди. — Турли-туман кўрғазма-

ли воситалардан унумли фойдаланганимиз тадбир-нинг қизиқарли ўтишига им-кон яратди, — дейди оромгоҳ раҳбари Руслан Гулимбетов. — Болаларнинг ўзига хос қизиқувчанлиги туфайли ўйин шаклида ўтказиладиган тадбирларгина кўзланган мақсадга аниқ эллади.

Ҳушёрлик ҳамма жойда, ҳаммаша керак

Болаларнинг ёзги дам олиш оромгоҳларида ёнғин хавфсизлиги билан боғлиқ тадбирлар жуда зарурлиги Шаҳрисабзда-ги “Беруний” болалар оромгоҳида ўтказилган “Ёш ёнғин ўчирувчилар” викторинасида ҳам ўз ифодасини топди.



Дам олувчилар жамоалари ёнғин хавфсизлигига оид савол-жавоблар, соддалаштирилган ёнғин ўчириш эстафе-таси, ёнғин хавфсизлиги йўналишига оид расм чиқиш ва изохлаш шартларида ўз маҳоратларини намойиш этишди. — Халқимизда “Сув балосидан, ўт балосидан сақла” де-ган нақл бор, — дейди Қашқадарё вилояти ИИБ ЕХБ катта муҳандиси, лейтенант Соҳибжон Вайитов. — Ёнғиндан сақ-ланиш йўл-йўриқларини шу ёшданок болалар онгига синг-дирилиши айни муддаодир.

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси Қўмита аъзоси С. Қ. Номозова онаси **Назира НОМОЗОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

БОЖХОНА хабарлари

Тошкент вилоятининг Янгийўл туманида ўтказилган “Қорадори — 2018” тезкор тадбирлари давомидида бир қатор қонунбузарликлар фош этилди.

Ана, холос!



Хусусан, фуқаро М. Р.нинг хонадони ҳолислар иштирокида кўздан кечирилган-нида, бу ердаги томорқада 6 туп каннабис ҳамда 50 туп кўкнори ўстирилаётганлиги аниқланган. Хо-надонда “хосил” сақланаётган идишлар ҳам топи-лди. Уларнинг бирида 4,7 гр. қуритилган кўкнори гули ва қўсақлари, иккинчисида 30,9 гр. марихуа-на борлиги аниқланди. Ховлидаги тандирхонада эса 44,9 гр. кўкнори поялари эски чопонга ўралган ҳолда яшириб қўйилган экан.

Бўлакланган контейнерлар



Пойтахтимизнинг Яшнобод туманида жойлашган “1-Автобус саройи” масъулияти чекланган жамият биноси ортидаги баннерлар билан ўралган ҳудуд амалдаги тартибларга кўра кўздан кечирилганда 11 дона бутун ҳамда бўлақларга бўлинган контейнерлар қисмлари борлиги аниқланди.

Бу иш билан шуғуллан-ган уддабуроннинг шу кунга қадар йўқ қилинган 40 дона ҳамда йўқ қилиш учун мўлжалланган 11 дона бутун контейнер-лари қиймати 62,2 млн. сўмни ташкил этди. Белгиланган тартибда божхона расмийлаштиру-видан ўтказилганида

170,4 млн. сўм божхона тўловларини четлаб ўтиш учун қилинган бу ҳолат юзасидан тегишли про-цессуал ҳужжатлар рас-мийлаштирилди.


Давлат божхона қўмитаси Ахборот хизмати хабарлари асосида **Ш. БУТАЕВ** тайёрлади.

САРАТОН ШИДДАТИ

7 — 10 июль кунлари Ўзбекистон ҳудудларига Туркменистон орқали Эрон ҳудудларидан куруқ ва жуда иссиқ ҳаво оқими кириб келади.

Республика бўйича ҳаво ҳарорати ўртача кўп йиллик кўрсаткичлардан 5 — 7 даража юқори бўлган аномал иссиқ об-ҳаво кузатилади.

РАҚАМЛАР СЎЗЛАЙДИ



Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2018 йил 3 июлдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботлари юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталар-нинг сўма нисбатан қуйидаги қийматини белгиллади:*)

1 АҚШ доллари	7846,27	1 Кувайт динори	25948,38	1 БАА дирҳами	2136,32
1 евро	9166,80	1 Малайзия рингити	1943,11	1 Миср фунти	439,81
1 Россия рубли	125,06	1 Канада доллари	5976,83	1 Австралия доллари	5807,81
1 Англия фунт стерлинги	10362,57	1 Хитой юани	1185,76	1 Туркия лираси	1710,84
1 Япония иенаси	70,90	1 Сингапур доллари	5758,31	1 СДР	11036,33
1 Жанубий Корея вон	7,04	1 Швейцария франки	7923,92	1 Украина гривнаси	298,45
				1 Польша злотийси	2096,98

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 745. 78 621 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юзлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Ўзгонлар (0-371) 232-11-15.



«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.57 Топширилди — 01.00 1 2 3 4 5 6

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси